



2016 у.г. «25» Июль № 2857-К - Самарқанд т.-р. Самарқанд

Фуқаро Хамрокулов Фирдавсга музлатгич панеллари ва совутгич двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигида оид бўлмаган бошқа тиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора дбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарорига асосан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йигилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2016 йил 792-сонли қарораси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда фуқаро Хамрокулов Фирдавснинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йигилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Хамрокулов Фирдавсга музлатгич панеллари ва совутгич двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун тумандаги “Қайнама” қишлоқ ҳокимлиги қаролар йиғини МЧ “Мотрит-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 235 участкадан жами 1,3 га (шундан 1,3 га туман захирасидаги 55 балл-бонитетли сувли ер тар хисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 5-сонли қарорининг 1-иловасига асосан музлатгич панеллари ва совутгич двигателларини таъмирлаш устахонаси қуриш учун ажратилаётган 1,3 га 55 балли сувли ер майдони учун 39 987 090 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри қўрамасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси фуқаро Хамрокулов Фирдавсга юклатилсин.
4. Музлатгич панеллари ва совутгич двигателларини таъмирлаш устахонасини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 40-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро Хамрокулов Фирдавсга топширилсин.
5. Ушбу қарорни тасдиғи «Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси»дан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Кадиров